# ШАРМ-ҲАЁСИЗЛИК, УНИНГ ИЖТИМОИЙ, СИЁСИЙ ВА МАЪНАВИЙ ТАБИАТИ

**Ш.АСҚАРОВ, С.АСҚАРОВ**

*В статье рассмотрена социальная, политическая и духовная природа безнравственности, необходимость борьбы с ней в современном обществе.*

*Social, political and moral features of immorality, the necessity of fighting against it in modern society is considered in this given article.*

Куч ёки зўравонлик билан ҳаётга таъсир ўтказишга қаратилган ижтимоий сиёсий ёки иқтисодий ҳаракат жамият муносабатларида изсиз кетмайди. Бунинг асоратлари у ёки бу жабҳада, унга қарши курашилган бўлса-да, иллат сифатида сақланиб қолаверади. Иллат аввалига кишилар нафрати ёки тақиқ остида яшаса-да, вақт ўтиши билан бефарқлик туфайли жамият ҳаётига сингиб, одатий ҳолга айланиб боради. Жумладан, бугунда жаҳон ҳалқлари ҳаётига суқилиб кириб, маданиятли кишилар ҳамиятига тегаётган беҳаёлик, шарм-ҳаёсизлик шундай хавфли иллатлардандир. Афсуски, айрим мамлакатларда бу нав маънавиятсизлик давлат сиёсати даражасига кўтарилди, тарафдорларининг “демократия”, “инсон ҳуқуқлари”, “шахс эрки” каби қадриятларни рўкач қилишларига ён берилиб, легитим мақом олди. Қатор Ғарб мамлакатларида бир жинслиларнинг оила қуришига, фоҳишахоналар, ноанъанавий жинсий руҳиятдагилар клублари фаолиятига қонуний эркинлик берилгани бунга далил бўла олади.

Глобаллашувнинг инкор килиб бўлмайдиган ўзига хос салбий оқибатлари натижасида бундай

«маданий эркинлик» бизнинг ҳаётимизга ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмаяпти. Бунга қарши туришда ҳозирча халқимизнинг руҳи, имон-эътиқоди, виждони, яъни барча маънавий қадриятларимиз қувват бўлмоқдаки, бу қувватнинг бош манбаи юртимизда Президентимиз раҳбарлигида олиб борилаётган миллий мафкуравий сиёсатдир. Шундай бўлса-да, бу бемазаликнинг ҳаётимизга секин-аста суқилиб кириб келиш эҳтимолини инкор қилиш хато бўлур эди. Афсуски, ҳозирги кунда бундай маънавиятсизликни урчитувчи омиллар ниш ураётганини фаҳмлаш қийин эмас. “Кейинги пайтда,- деб ёзади И.А.Каримов,- саънатда ошкораликни пеш қилиб, телевизор, кино экранларида, матбуот воситаларида бўлмағур лавҳаларни акс эттириш, бемаънилик ва ҳаёсизлик, баъзан эса, ҳатто, бузуқликни тарғиб қилишлар кўпайиб қолди” [1;80].

Юртбошимизнинг куйиниши бежиз эмас. Негаки, “беманилик ва ҳаёсизлик” яширин, пинҳона кириб келади, қўпорувчилик кучини бирдан ошкор этмагани учун, кириб келгани ҳам сезилмай қолади. Таассуфки, ҳеч бир жамият ундан мутлақ иҳоталанган эмас, чунки бу нарса аслан инсон табиати, физиологик ва психологик жиҳатлари билан боғлиқ. Бироқ инсонга хос уят, ор-номус ҳислари уни ўзгалардан яширишга, намойиш қилмасликка ундайди. Демак, беҳаёликнинг фавқулодда тез тарқалиб кетишига айни шу фазилатлар тўсиқ бўлиб туради, иммунитет вазифасини ўтайди. Аммо бу иммунитетнинг имкониятлари чексиз эмас, у бошқа ижтимоий кўмаксиз узоқ тура олмаслиги мумкин. Ижтимоий ҳаётнинг иқтисод жабҳасида худбинлик, маънавиятида қашшоқланиш, маърифий соҳада саводсизлик, эътиқодий соҳада дахрийлик каби иллатларнинг кучайиши иммунитетни секин-аста емириб борадики, натижада узоқ муддатли курашда мағлуб бўлиш мумкин. Шунинг учун “Барчамиз – қаерда, қандай лавозимда ишламайлик, жамиятимизнинг инсонийлик ва аҳлоқийлик қоидаларини поймол қиладиган ана шундай тажовузкорлик кўринишларига қаътий равишда қарши туришимиз лозим” [1;80],- дея такидлайди И.А.Каримов.

Жамиятда яшаш тажрибаси минг йилликлар билан ўлчанувчи инсон табиатида шарм-ҳаё қадрияти мукаммлашиб, ҳар бир инсоннинг индивидуал хусусиятига айланган, унинг ҳосиласи сифатида механизм дейишга арзигулик маънавий ҳимоя воситаси шаклланган. Механизмнинг бузилиши инсон организмининг мўътадил ишлашига путур етказади. Масалан, “нуддистлик” эркак ва аёл ўртасидаги табиий жинсий майлни пасайтиради. Шунинг учун инсоният бунга қарши иҳота воситаларини шакллантир-ган: маданий-маиший муассасаларда (мас., ҳаммом, салонлар ва б.) эркак ва аёллар учун алоҳида бўлимлар бўлган, Шарқда уй-жойлар “ичкиташқи” кўринишида қурилган.

Шарм-ҳаёни маҳкам тутишнинг ўзи аждодларимизни ижтимоий офатлардан сақлаган. Аммо ҳозирда кенг миқёсдаги намойишкорона беҳаёликнинг ёйилишидан, унинг ташвиқ ва тарғиб қилинишидан ҳимояланмоқ зарурати вужудга келмоқда. Негаки, “оммавий маданият” тарқатувчилар беҳаёлигу шармандаликни “пул қилиш” йўлида Севги-Муҳаббатдек инсонга хос буюк ҳиссиётни топташ орқали жамиятимиз ор-номусини булғаб, ибо, уят, вафо каби фазилатларни поймол этмоқдалар. Инсон ҳаётининг ҳар бир жиҳати, ижобийми ёки салбийлигидан қатъи назар, ўзининг фалсафий асосига эга. Албатта, шарм-ҳаёсизликнинг ҳам қаердадир ва кимларнингдир хоҳиш иродасидан келиб чиқаётган аксилфалсафий ғояси, мафкураси бор. Демак, уни таҳлил килиб, ғайриинсоний моҳияти ошкор этилса, керакли мулоҳазалар келиб чиқадида, бу иллатга қарши малҳам топиш мумкин бўлади.

Аввало, ҳаёт қонунлари фалсафасидан келиб чиқиб разм солинса, бугунги илм-фан “севги, муҳаббат” инсоннинг биологик эҳтиёжидан келиб чиқувчи танадаги химиявий реакция оқибатида содир бўладиган ҳолат эканлигини исботлайди. Шу жиҳатдан қаралса, гўё ҳаёт зарурати билан боғлиқ барча амалларни, русларнинг “неки табиий бўлса, у беўхшов эмас” тарзидаги нақлига монанд, қандай бўлса шундай қабул қилиш керак. Лекин инсон бу билан қаноатланмайди, акс ҳолда, унинг ҳайвондан фарқи бўлмас эди. Шунинг учун ҳам у табиий эҳтиёжга маънавий-руҳий қувват берди, севгини буюк қадрият сифатида эъзозлаб келди. Бунга амин бўлиш учун адабиёт ва санъатнинг энг нодир намуналари шу буюк ҳис билан боғлиқ эканлигини эслашнинг ўзи кифоя.

Афсуски, “пул”, “бойлик” орттириш дардига мубтало маънавиятсиз нокаслар бу буюк ҳиссиётни “эксплуатация” қилиб, унга оддий бир сармоядек қарайдилар, севгини харидоргир товар деб биладилар. Буларнинг қаторида, аввало, “оммавий маданият намояндалар”ини кўрсатиш лозим. Ҳар кун телевизор экранлари, радио репродукторларидан жаранглаётган қўшиқлар мисолида мазмун-моҳиятида ҳам севгини жўнлаштириш, миллий маънавий қадриятларимиз билан ҳисоблашмаслик ҳолларига дуч келишга мажбурмиз. Чунки жавобгар шахсларнинг лоқайдлиги, масъулиятсизлиги, баъзан ўз фойдасини кўзлаши оқибатида ёшларимиз маънавиятига путур етказадиган қўшиқлар эфирга берилади, ҳатто, “хит” сифатида тарғиб этилади. Қўшиқлардаги қуруқ “ўлдим-куйдим”ларни қўя турайлик, “Сизни ҳамма ерим билан соғиндим”, “Биламан қаерда холинг бор, Кўнглингда нима бор, билмай-

ман” каби яланғоч изҳорлар; ўзганинг хасмидаги аёлни хоҳлаётганини уялмай тараннум этишлар шарқона турмуш тарзимиз, ахлоқимизга путур етказиши муқаррардир. Бунинг устига, замонавий “клип”ларда қизлару йигитлар “рақс” деб куйларга мос тарзда қилаётган тана ҳаракатлари, кийган либослари (агар буни либос деб аташ мумкин бўлса), мимикалари, кўз қарашлари шарм-ҳаёдан йироқ тушиб, эротика томон тортиб кетаётганини кўрамиз. Тўғри, биз ҳам ёшлигимизда эркин бўлишни, хоҳлаганимиздек кийиниш, хоҳлаганимизни кўриш ва эшитишни истардик, яъни биз ҳам “рўдапо”, жоҳил, эскилик сарқити эмасмиз. Аммо ҳар нарсада чегара, меъёр бўлиши лозимлигини унутмаслик, бу қонуниятни инкор этмаслик шарт. Шундагина ижтимоий ҳаёт диалектикасининг ўзи муаммони “инкорни-инкор” конунияти асосида тўғри ечимга олиб боради.

Бироқ мухолифлар бу оддий ҳақиқатни қабул қилишни истамайдилар. Улар бизнинг шарм-ҳаёсизликни фош қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз, тадбирларимизни “консерваторлар тазйиқи”, “шахс эркинлигини бўғувчилар сиёсати” дея аюҳаннос соладилар. Уларнинг даъволари чиройли шиорларга буркангани, калта ўйловчиларни ўзига ром этиши мумкинлигига қарамай, жамиятнинг маънавий соғломлигини мустаҳкамлашга қаратилган қонуний чора-тадбирларни муттасил қўллаб бориш демократия принципларига асло зид бўлмайди. Чунки охир-оқибатда бу қонунлар жамият манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган бўлади. Масалан, Ҳиндистон конун йўли билан фильмларда “бўса” саҳналарини ман этгани, аксарият дунё халқлари тажрибасида очиқ саҳналар, беҳаё кўринишларнинг оммавий намойиши ман этилгани ва ҳоказо.

Юқорида айтилганидек, аслида муаммонинг илдизи инсон руҳиятидаги салбий хислатларда бўлиб, ҳозирда унинг XX аср 2-чораги бошларидан 90-йилларгача яшаган сиёсий тизимлар мафкуравий сиёсати туфайли кучайган ҳолатига гувоҳ бўлиб турибмиз. Бу даврда жаҳон халқлари ҳаётида инқилобий буҳронлар содир бўлиб, кескин ижтимоий ўзгаришлар юз берди. Хусусан, советларнинг “коммунистик” ҳамда Германиянинг “фашистик” мафкуралари ҳукмронлиги асрлар давомида шаклланиб, сайқалланиб келган маънавий қадриятларга путур етказди: бир томондан, Германия фашизми инсониятнинг, хусусан, немис халқининг азалий маънавий хулқ-атворига, одоб-ахлоқига сиёсий зўравонлак билан шиддатли тарзда ўзгариш олиб кирган бўлса, иккинчи томондан, “коммунистик” мафкура режими пролетариатга ёт деб ҳисобланган барча нарса ва ғояларга қарши кураш йўлида мавжуд қадриятларни йўқ қилиб борди. Сиртдан қараганда бир-бирига зид бу икки мафкура моҳиятида муҳим муштарак нуқталар мавжуд: ҳар иккисининг фалсафаси ҳам куч, зўравонлик, экстремизмга асосланган, иккаласи ҳам субъектив ғояга таянади.

Фашизм ҳокимият тепасига келгунга қадар немис халқи ўз маънавияти, маданияти, одоб-ахлоқи билан жаҳонда ўзига хос ҳурмат этибор қозонган эди. Биринчи жаҳон урушидаги мағлубият натижаси бўлмиш иқтисодий, сиёсий, ижтимоий камситилиш, улкан ҳажмдаги контрибуцияни тўлашга мажбурлик немис халқининг тарих изтиробини кучайтирарди. Буларнинг бари Германия сиёсий тизимида эндигина вужудга келган янгича бошқарув шаклининг барча камчиликларини қалқиб юзага чиқишига сабаб бўлди. Шундай вазиятда демагог, авантюрист, миллатчи, ирқчи, мутакаббир, ҳар қандай инсонийлик қадриятларидан мутлақо йироқ бўлган фашизм ва унинг иблиснамо раҳбарлари ҳокимият тепасига келди. Фашизм ҳокимият тепасига келибоқ ўз доҳийси Гитлернинг “Майн кампф” китоби бош ғояси – ҳаётга ноинсоний муносабат ва ғайримаънавий турмуш тарзини байроқ қилиб кўтарди [2;68]. Урушдаги мағлубият алами, қасос олиш талвасаси милитаристик мафкурани немис халқининг аксарият қисми томонидан қўлланишига олиб келди. Аксарият аҳоли тушуниб-тушунмай, оқибатини ўйламасдан, бу талвасаномо сиёсат ғояси гирдобига ғарқ бўлганлар, касофати эса нафақат моддий, балки маънавий қадриятларнинг ҳам йўқотилишига олиб келди.

Фашистик Германия сиёсий, ҳарбий мавқеини тиклашга қаратилган ҳаракатларини, аввало, мафкуравий жабҳадан бошлаб, барча азалий умуминсоний ва миллий қадриятларни инкор этди. Хусусан, демографик муаммоларни рўкач қилган ҳолда, “олий ирқ”, “тоза миллат” ғояларига йўғрилган оила қуриш сиёсатини одам кўпайтириш билан аралаштириб юборди. Солдатларни кўпайтириш учун кўпхотинлиликка рухсат берилди, “орий аёл”ларга қандоқ йўл билан бўлса-да туғиш, фарзандларни кўпайтириш буюрилди. Гиммлер вужудга келтирган махсус каллакесарлар – “СС” тузилмалари алоҳида мавқега, ўз мафкураси, ўз “диний” таълимоти, ўз ахлоқ нормалари, яъни чегарасиз шарм-ҳаё меъёрсизлигига эга бўлган. Масалан, улар йигит билан қиз қабристонда қўшилишса, аждодлар руҳи “олий ирқ”ли фарзандлар туғилишига мадад қилади деб билишган, бу ишончни амалда кенг тарғиб қилишган.

Фашизм доҳийларининг фикрича, уларнинг ғоявий йўлига тўғаноқ бўлиши мумкин бўлган ҳамма нарса – инсонлар, ғоялар, фикр, маънавият ва бошқалар сарқит сифатида томири билан йўқотилиши зарур эди. Жамиятдаги уят, ор-номус, шарм-ҳаё биринчилар қаторида йўқотилишга маҳкум қадриятлар эди. Бундай қараш фашизм тор-мор этилаётган паллада ҳам

таъсирини тўла сақлаб қолди. Зеро, фашизм доҳийси А.Гитлер ўлим талвасасида ҳам бало-қазо келтирувчи фикрларини тўхтатмаган. У немис халқининг “биологик потенциалини” тиклаш ҳақидаги ғояларини Мартин Борманга қолдираркан, икки ва кўпхотинлиликни (аслида шарм-ҳаёсизликни) Германия халқи учун сиёсий даражага кўтаришни буюради. Гитлер ўз фикрини урушдан сўнг немис халқининг “3-4 миллион аёллари эркаксиз қолади, бу ўз-ўзидан туғилишни камайтиради” дея асослайди, “немис аёли ўзининг юқори онглилигидан келиб чиқиб, бошқа аёлни ҳам кўп болалик бўлиши тарафдори бўлиши керак” деб уқдиради. Гитлерга кўра, эркаксиз қолган аёллар болалик бўлиш учун оилали эркаклар билан узоқ алоқага киришлари зарур, бундай алоқалар давлат томонидан “никоҳ” ваколати даражасида тан олиниши, нафақат “никоҳ” даражасидаги алоқа, балки, “ҳар қандай” алоқани маъқуллаш, рағбатлантириш керак [2;420]. Бир сўз билан айтганда, ҳаёсизлик давлат сиёсати даражасига кўтарилган эди.

1933 йилдан 1945 йилгача, ўн йилдан ортиқ вақт мобайнида бутун бошли қитъада давлат сиёсати бўлиб турган бундай мафкура ижтимоий қадриятларга таъсирини ўтказмай қолмади. Бизнингча, бугунги кундаги шарм-ҳаёсизлик “маданияти”нинг вужудга келиш сабабларидан бири шунда.

**Иккинчи** сабаб, бизнингча, коммунизм мафкураси таъсиридир. Бу мафкуранинг илдизи марксизм-ленинизм таълимоти бўлиб, унинг фалсафий асоси материализмдадир. Материализм фалсафаси “борлиқ бирламчи, онг иккиламчи” коидасига таянади. Ваҳоланки, инсон маънавий табиатининг вужудга келиши даставвал дин, диний таълимотлар – сўнг улар асосидаги дунёвий мафкуралар билан боғлиқдир. Диннинг вужудга келиши ижтимоий муносабатларга бориб тақалиб, унинг моҳияти, биринчидан, ўзаро муносабатлар ахлоқий нормаларини шакллантириш ва тартибга солиш, иккинчидан, оила қурилишида шарм-ҳаё қоидаларини жорий этишдир. Маънавиятнинг асл илдизлари турли дин ва диний таълимотларга асосланган бўлиб, минг йиллар давомида инсоннинг шарм-ҳаё билан яшаш тарзини вужудга келтирган. Материалистик фалсафага таянган комунистлар айнан динга, киборлар маданиятига қарши курашишни ўзларига мақсад килиб олдилар. “Дин халқ учун афюн” деган шиор билан “жангари атеистлик” вазифасини олдига қўйди. Оқибатда динга қарши курашиш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, черков, ибодатхоналар, масжид, синагогалар – барча-барчаси сарқит, халқни хурофотга етакловчи тамғаси билан вайронага айлантирилди, дин аҳли душман сифатида қатағонга учради.

Тўғри, дунёвий шарм-ҳаё,уят коммунистлар даврида қонун даражасида ҳимоя қилинарди. Оилавий муносабатларга хос физиологик жиҳатларнинг жамоат жойларида, кино, театр, ОАВларида намойиш этилиши, айтилиши қатъий тақиқланган бўлиб, жазо чораси белгиланган эди. Бироқ буни коммунистларнинг ижобий жиҳати сифатида келтирилса бўларди дегувчилар янглишади. Негаки, аслида бу зўравонлик фалсафасининг, ҳукмрон мафкуранинг, юристлар тили билан айтганда, “цензура”нинг амалий жиҳати эди, холос. Фикр эркинлиги, хилма-хиллигига умуман йўл қўймаган мафкуравий ҳукмронлик инсониятнинг кўп минг йиллик ишлови ва синовидан ўтган хислатларни тақиқлар остига олди. Натижада ор-номус, уят, шарм-ҳаё каби маданий ҳаёт ижтимоий конуниятлари шаклини ўзгартира борди. Давлат сиёсатига кўра, инсонни эркак ва аёлга бўлиниши фақат анкета тўлдирилганда эсга олиниб ажратиларди. Одам руҳиятига мансуб бўлган осийлик, “ман қилинган мевага интилиш” хислати эътибордан четта қолдирилди, мавжуд муаммо ҳал қилинмай, **инкор** этилди. Коммунистик мафкура ҳукмронлиги қулаган 1989 йилдаёқ янги “сексуал инқилоб” келиб чиқиб, ижтимоий ҳаётга кириб кела бошлади. Сиёсий-мафкуравий тазйиқ остида яшагани боис бу муаммони билмаган жамиятда ҳимоя механизмлари носоз ҳолга келиб қолган эди. Худди фашизм режими қулагандаги каби, коммунистик тузум қулаши билан юзага келган очиқлик, эркинлик бу жамиятларда чидаб бўлмас даражадаги ҳаёсизлик “маданияти”нинг кириб келишига сабаб бўлди.

Жамиятга таклиф этилаётган ҳар қандай фалсафий фикр унинг ижтимоий салоҳияти даражасида бўлиши керак. Масалан, А.Кодирийнинг “Ўтган кунлар” романи асосида ётган асосий воқелик – севги-муҳаббат. Бош қаҳрамонлар Отабек ва Кумушбибилар ҳиссиётлари ёки Зайнабнинг Отабекка интилиш хис-туйғуларининг яширин томони, инсон организмининг, аввало, кимёвий (тестостерон), биологик, (кўпайиш) физиологик (қўшилиш), ижтимоий (оила қуриш) ва бошқа кўплаб омилларига, бизнингча, кўпчилик эътибор бермаган. Ўқувчи бундай “илмий ёндашув”ни ўйлаб ҳам кўрмайди, негаки, севгини инсоннинг энг буюк ва сирли фазилати, руҳий кечинмалари, маънавий руҳияти тубидаги яширин ҳодиса деб билади. Аслида, буларсиз севги-муҳаббат бўлмайди. Инсон минг йиллар давомида маънавий қонуниятларни яратиб, уларни қон-қонига сингдирган: уларни ошкор қилмасликнинг ҳам маънавий (уят, ибо, номус ва б.), ҳам жисмоний (қизариш, кўзини олиб қочиш ва б.) механизмларини ишлаб чиққан. Одамда, ким бўлишидан қатъи назар, ўзганинг олдида ёпиқсиз қолишни уят деб билиш рефлекси шаклланганки, у нафақат бизнинг халқимиз, балки барча инсонлар табиатида мавжуддир.

Ижтимоий ҳаётимизга кириб келаётган шарм-ҳаёсизликнинг яна бир омили, фикримизча, илмий-техникавий прогресс маҳсуллари саналмиш аудио, видео, телекоммуникация, уяли телефон аппаратлари, интернет тармоғи ва бошқа информация ташувчи воситалардир. Улар инсонлар ўртасидаги юзма-юз, шахсий алоқалар ўрнини тўлдириш кучига эга. Мазкур воситаларга эҳтиёж маблағ сарф этиш заруратини, бу эса ўз навбатида, иқтисодий қонунлардан келиб чиқиб, моддий манфаатдор бўлиш имконини яратади. Иқтисодий қонунлар виждон, инсоф, диёнат, савоб, гуноҳ каби фазилатларнинг қадрсизланишига, бойлик хирсининг кўпинча уят, орномус, андиша каби хислатларимиздан устун ҳолатга олиб келаётганини кўрамиз. Чўнтакдан бошқани ўйламайдиган ишбилармонлар айни ҳолатдан фойдаланишади. Улар ўзлари келтираётган беҳаё нарсаларни фарзандлари, яқинлари кўришини истамайдилар, лекин фойда келтиргани учун ўзгаларга раво кўраверадилар. Қилаётган ишлари иқтисодга тўғри келгани билан, дунёвий жиҳатдан қаралса – виждонсизлик, диний нуқтаи назардан бориб турган имонсизлик-ку! Хуллас, иқтисод ҳам, маънавият ҳам Президентимиз айтмоқчи, қушнинг қўш қаноти, инсон учун иккиси ҳам бирдек зарурлигини унутмаслик лозим.

Миллий қадриятларимиз, диний урф-одатларимиз, тарихий ва бугунги кун ўзлигимиз умуминсоний қадриятлар замирида вужудга келган ва шу аснода яшаб, ривожланиб, ўзгариб, ислоҳланиб бормоқда. Унга кириб келаётган янгилик, ўзгаришларни тақиқлаш бугунги глобаллашув шароитида хатодир. Диалектика қонуниятларини инкор этиб, ман қилиш ёки кўрмасликка олиш билан бизга ёқмаган салбий ҳолатларни енга олмаймиз, қанча инкор этмайлик, улар бор ва ҳаётимизга кириб келмоқда. Жаҳон ҳамжамиятида яшар эканмиз, унинг яшаш қоидаларини қабул қилган ҳолда ўзлигимизни, миллий қадриятларимизни, дин ва имон-эътиқодимизни сақлай билиш ўзимизга боғлиқ. Давлатимизнинг Президент раҳбарлигидаги сиёсати, миллий масалалардаги бағрикенглик, диний толерантлик, халқаро муносабатларда манфаатлар тенглиги, фикрлар хилма-хиллиги ва бошқа шу каби тамойиллар асосидаги оқилона сиёсатини ақл билан тафаккур қилган ҳолда тушунмоқ зарур.

Муаммо ҳал қилишда “тақиқлаш ёки эътиборсизлик” тактикасини эмас, балки маданиятли халқлар тутган йўлни – “вазиятни бошқариш ва назоратни қўлдан чиқармаслик” тактикасини қўлламоқ даркор. Шунга кўра, бугун жаҳон ҳамжамиятига шарм-ҳаё, орият, номус каби қадриятларимиз билан кириб, уларни сақлашга, ўзгаларга кўрсата билишга уринмоқдамиз. Негаки, халқимизнинг уч минг йиллик цивилизация тарихи жаҳон тарихида ўзининг ўчмас ва бетакрор ўрнига эга. 1998 йилда ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майорнинг Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовга умуминсоний ва маданий қадриятларни эъзозлаш ҳамда бой илмий меросни ўрганишни рағбатлантиришдаги хизматлари учун Абу Али ибн Сино номидаги “Олтин медал”ни [3;512] тақдим этгани ҳам айнан халқимиз тарихининг тикланиши ва унинг ўз ўрнини кўрсата билганидандир.

Шарм-ҳаё табиатан ҳар бир шахснинг, ҳар биримизнинг хусусий фазилатимиз бўлиб, унинг намоён бўлиши руҳий ҳолатимизга, хулқ, феъл-атворимизга, таъбимизга боғлиқдир. Айни шу фазилат инсоннинг жамият томонидан маънавиятли, комил, баркамол, зиёли дея тан олинишининг асосий шартларидандир. Демак, бунга баркамол бўлишни мақсад қилган барча интилмоғи керак.

Бугунги мафкуравий кураш моҳиятидан келиб чиқиб, юқоридаги фикрларни назарда тутган ҳолда, кўрилаётган масала инсон қалби ва онги учун курашнинг энг муҳим омилларидан бирига айланиб

қолаётганини кўриш мумкин. Халқимизга азалдан хос бўлган шарм-ҳаёлилик миллий маданиятимиз, ижтимоий ҳаёт тарзимиз, диний эътиқодимиз ўзлигимизни сақлаб туришимизда пойдевордир. Демак, шарм-ҳаёга канча путур етса, ўзлигимизга, мустақиллигимизга ҳам шунча зарар етади.

**АДАБИЁТЛАР:**

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.- Т.: Маънавият, 2008
2. Мелников Д., Черная Л. Преступник номер 1 нацистский режим и его фюрер.- М.,1983
3. Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп луғат. Учинчи тўлдирилган нашри.- Т.: Шарқ, 2006
4. Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси.- Т., 1996